

№2(1512)
2025-YIL
4-FEVRALO'ZBEKISTONDA
SOG'LIQNI SAQLASHЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА

t.me/ozbekistondasog'liqni-saqlash

IJTIMOIY –SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 –YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

2025 ЙИЛ – “АТРОФ-МУХИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ”

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

САРҲИСОБ, ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ
ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирликнинг марказий аппарат ходимлари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази ҳамда Стратегик режалаштириш ва саломатлик институти, ихтисослаштирилган марказлар, Республика даволаш муассасалари ва тиббиёт олий ўқув юртлиари раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, жойлардаги студиялардан барча ҳудудий бошқармалар ҳамда туман тиббиёт бирлашмалари масъуллари онлайн қатнашди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров кириш сўзи билан очиб, Давлатимиз раҳбари томонидан, инсон саломатлиги ҳамда тиббиёт тизими-га қаратилаётган эътибор, шунингдек, соҳадаги фаолиятларга ҳамда ечимини кутаётган муаммоларга атрофлича тўхталди. Соғлиқни сақлаш вазири Президентимизнинг соҳа ходимлари олдида катта вазифалар қўйганлигини ҳамда фаолиятларда ишчанлик руҳияти янада юқори бўлишини таъкидлаб, 2024 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва истиқболдаги режалар бўйича маъруза қилди. Вазир Асилбек Худаяров ўз маърузасида касалликлар профилактикаси ва уларни эрта аниқлаш, тиббиёт муассасалардаги мавжуд ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш ва соҳадаги коррупция ҳолатларининг

Давоми 2 – бетда▶



ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

ШУ МАВЗУ БЎЙИЧА ТОШКЕНТДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ СУБМИНТАҚАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТҚАЗИЛАДИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРИ АСИЛБЕК
ХУДАЯРОВ ВА
ЖССТНИНГ ЕВРОПА
МИНТАҚАВИЙ БЮРОСИ
ДИРЕКТОРИ ХАНС
КЛЮГЕ ЎРТАСИДА
ВИДЕОКОНФЕРЕНЦ
АЛОҚА ШАКЛИДА
ОНЛАЙН УЧРАШУВ
БЎЛИБ ЎТДИ.

Мулукот аввалида А. Худаяров Х. Клюгени Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси директори лавозимига яна бир муддатга қайта сайлангани билан қутлади ҳамда унга маъсулият фаолиятида муваффақиятлар тилади. Шунингдек, вазир Марказий Осиё минтақасига, жумладан, Ўзбекистонга қаратилаётган улкан эътибор учун миннатдорлик билдирди. Ханс Клюгениннг ўтган йилнинг июнь ойида мамлакатимизга ташрифи соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш



борасидаги келгуси ташаббуслар, галдаги вазифалар ва уларни амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш учун муҳим туртки бўлгани таъкидланди.

Томонлар она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, бирламчи тиббий-санитария ёрдамни

ривожлантириш йўналишларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда аҳоли сонининг ижобий ўсиш динамикаси кузатилаётган бўлиб, **37,5 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, уларнинг 25 фоизи репродуктив ёшдаги аёлларни** ташкил қилади.

Бу она ва янги туғилган чақалоқлар, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорликни давом эттириш, юқори сифатли перинатал хизматлардан фойдаланишни таъминлаш зарурлигини англади.

Учрашувда томонлар ЖССТ қўмағида Тошкентда Марказий Осиё давлатларининг она ва бола саломатлигини муҳофа-

за қилиш бўйича субминтақавий конференциясини ташкил этиш масаласини муҳокама қилдилар. Ушбу йирик анжуман соҳадаги тиббий ёрдам сифатини такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш ва институционаллаштириш йўлидаги тўсиқларни аниқлаш имконини беради.

@ssvuz

САРҲИСОБ, ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР



олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Шу билан бирга, **2024 йилда соҳада амалга оширилган ишлар** натижадорлиги бўйича ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, **820 та** оилавий поликлиника янги замонавий УТД, ЭКГ аппаратлари, стоматологик ускуналар каби **11 турдаги** жиҳозлар билан таъминланганлиги, шунингдек, тиббий хатловда аниқланган **8,5 миллион** нафар бемор соғломлаштирилганлиги, скри-

казилиб, **80 миллион** долларга жиҳозланганлигини алоҳида таъкидлади. Бу борада тиббиёт муассасалари **14 638 та** компьютер ва **4200 дан** ортиқ рақамлаштириш қурилмалари билан таъминланганлигини ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун вазиятлар маркази ташкил этилганлигига апрофлича тўхталди. Айни кунларда ўзида **6 та** тизимни (“Электрон поликлиника”, “Электрон шифохона”, “Электрон рецепт”, “Электрон



нинг текширувлар натижасида кўкрак беги саратонини эрта босқичларда аниқлаш **28,5 фоизга**, бачадон бўйни саратонини аниқлаш **10,5 фоизга** ошгани, шу билан бирга худудлардаги юқори технологик операциялар улуши **61 фоизга** етказилганлигини ва унинг натижасида пойтахтга келиб даволаниш эса **24 фоизга** қисқарганини, бундан ташқари ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиалларида ҳар йили ўртача **100 минг нафар** имтиёзли тоифага мансуб беморлар электрон ордер асосида даво муолажалари олаётганлигини ҳамда хусусий шифохоналар сони **9 мингдан** ошганлигини айтиб ўтди. Шу билан бирга, вазир Асилбек Худаяров Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш тизимига, **147 та** соғлиқни сақлаш объектларидаги қурилиш, таъмирлаш ишларига кўп миқдорда маблағ ажратилганлигини, шунингдек, **173,4 миллиард** сўмга Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун янги бино қуриб бит-

тиббий карта”, “Лаборатория”, “Патронаж скрининг”, “Бемор”) бирлаштирган “D-MED” ахборот тизими Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Сирдарё, Хоразм, Бухоро вилоятида жорий этилиши бошланганлигини ҳамда **109 минг нафар** (21 фоиз) тиббиёт ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида саводхонлиги оширилганлигини ҳам айтиб ўтди.

Таъкидлашимиз муҳимки, вазир Асилбек Худаяров **7 та ихтисослаштирилган марказлар** халқаро сифат сертификатига эга бўлганлигини (катталар ва болалар миллий тиббиёт марказлари, Республика ихтисослаштирилган хирургия, она ва бола саломатлиги, эндокринология, педиатрия ҳамда дерматовенерология илмий-амалий тиббиёт марказлари), ЖССТнинг тавсиясига мувофиқ, “Миллий клиник протокол ва стандартлар”ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш “Методологияси” ва ушбу методология асосида **41 та йўналиш** бўйича **301 та клиник** протоколлар ишлаб чиқилганлигини айтиб ўтди. Шу билан бирга, аҳолига кўр-

сатилаётган тиббий хизматлар сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш бугунги соғлиқни сақлашнинг асосий мақсадларидан бири бўлганлиги сабабли ўтган йилда туркиялик мутахассислар гуруҳи жалб қилинганлигини, улар маҳаллий мутахассислар билан ҳамкорликда барча бўғиндаги тиббиёт муассасаларида соҳани еттига муҳим йўналишлари бўйича, жумладан – бирламчи тиббий ёрдам, тиббий суғуртани жорий этиш ва тизимни рақамлаштириш, шифохоналарда тиббий хизмат тиббий асбоб-ускуналар самарадорлигини ошириш, фармацевтика ва дори-дармонлар билан таъминлаш, ҳамда шошилинч тиббий ёрдамни ривожлантириш устида иш олиб бораётганликларини таъкидлади.


Соғлиқни сақлаш вазир Асилбек Худаяров тизимда амалга оширилган самарали фаолиятлар билан бир қаторда тизимда муаммо ва камчиликлар мавжудлигини, **бу борада маъсул шахсларнинг шахсий жавобгарлиги** етишмаслигини танқид остига олди. Ҳаттоки, ўз вазифасига **маъсулиятсизлик билан муносабатда бўлган тиббиёт ходимларига** интизомий чоралар кўрилганлигини, ўзига юкланган вазифаларни бажаришда қўпол хато ва камчиликларга йўл қўйган айрим ходимлар ўз вазифасидан (лавозимидан) озод этилганлигини таҳлиллар билан келтириб ўтди. Бундан ташқари, бир қанча хусусий тиббиёт ташкилотларига ўз фаолиятида йўл қўйган хато ва камчиликларига нисбатан молиявий жарима ва маъмурий жазо қўлланилганлигини ҳамда лицензиянинг амал қилиши суд тартибида тугатилганлиги ҳам айтиб ўтди. Шунингдек, даволаш-профилактика муассасалари фаолияти текширилганда санитария-гигиена қоидалари ва эпидемияга қарши кураш тартибларини бузган маъсул шахслар жазоланиб, улардан жарима ундирилиб, аниқланган камчиликлар учун айрим даволаш профилактика муассасалари фаолияти вақтинча тўхтатилиб, ходимлар вақтинчалик ишдан четлаштирилганлиги тўғрисида апрофлича тўхталди.

Шу ўринда айтиш муҳимки, Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш тизимидаги устувор масалаларга тўхталганларида, энг аввало, соҳани рақамлаштириш, давлат суғурта тизимини жорий этиш, бирламчи бўғинни ривожлантириш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келаётганликлари ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, вазир Асилбек Худаяров бу муҳим масалаларга алоҳида тўхталди. Худудларда интернет

ва локал тармоқни улаш ишлари якунига еганини, ахборот тизимларини ўрнатиш, ходимларни ўқитиш ишлари давом этаётганини айтиб ўтди. Шунингдек, рақамлаштириш йўналишида ишлар йўлга қўйилганлигини таъкидлаб, “D-MED” ахборот тизими босқичма-босқич худудлардаги тиббиёт муассасаларга ўрнатилиши давом этаётган бўлсада, бироқ, ишлар суст олиб борилаётганлигини алоҳида таъкидлади. Тизимдаги

ишга тушган Тошкент шаҳри, Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаларидаги фаолиятлар ханузгача тўғри йўлга қўйилмаганлигини танқид остига олди.

Шундан сўнг, кун тартибидан ўрин олган навбатдаги масалалар юзасидан вазир ўринбосарлари **Ф. Ташпулатов, О. Омонов, Ф. Шарипов** ва **Э. Баситхановлар** ҳам ўз йўналишлари бўйича сўзга чиқиб, амалдаги фаолиятлар ва мавжуд



рақамлаштириш ишларини тўғри режа қилмаслик, аксарият ҳолларда топшириқни вақтида бажармаслик сабаб бўлмоқда. Шу сабабли ҳам ушбу йўналишда берилган топшириқлар ижросини бир неча марта узайтиришга тўғри келган. Албатта, бу каби камчиликлар бу тизимдаги рақамлаштириш ишларини амалдаги ижросини таъминлай олмаяпти. Соғлиқни сақлаш вазир Асилбек Худаяров ўз маърузасини давом эттирар экан, кейинги муҳим масалалар **давлат тиббий**

камчиликларга тўхталди. Айниқса, **вазир ўринбосари Ф. Ташпулатов** тизимдаги бюджет маблағлари тўғри йўналтирилмаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлади. Шунингдек, **вазир ўринбосари Ф. Шарипов** давлат тиббий суғуртаси жорий этилган худудларда ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар мавжудлиги тўғрисида ўзининг танқидий фикрларини билдириб ўтди.

Соғлиқни сақлаш вазир Асилбек Худаяров ўз маърузасини якунлар экан, **2025 йилда**



суғурта, бирламчи бўғин, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига эътибор қаратиб, бу йўналишларда ҳам мавжуд муаммо ва камчиликлар борлигини танқид остига олди. Вазир ўз маърузасида суғурта ҳам рақамлаштириш билан бевосита боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб, ҳозирда бу йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмаслигини, тиббиёт муассасаларининг ўзида ханузгача компьютер ва бошқа жиҳозлар етишмаётганлигини алоҳида ургу берди. Жумладан, “D-MED” дастури ўрнатилган суғурта тизими

Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш тизими учун **41,3 триллион сўм**, ёки ўтган йилга нисбатан **7,9 триллион сўм** кўп маблағ ажратилганлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, **2025 йилда** белгилаб олинган устувор вазифаларга ҳам тўхталди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган Ҳайъат йиғилиши якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва маъсулларга топшириқлар берилди.

Ибодат СОАТОВА.

ПАРКИНСОН, ТУТҚАНОҚ

КАБИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ



**РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ЮРТИМИЗ АҲОЛИСИГА
НЕЙРОЖАРРОҲЛИК
ЁРДАМИ КЎРСАТИШ
БЎЙИЧА БОШ МУАССАСА
САНАЛАДИ.**

Марказимизда 406 турдаги тиббий хизматлар кўрсатилади, улардан 62 таси юқори технологияли. Ўтган йили 2585 та операция ўтказилган бўлиб, улардан 1579 тасини юқори технологик амалиётлар ташкил этди. Хусусан, бу ерда бир нечта операциялар илк бор ўтказилди. Эндоскопик трансанал ўсмани олиш ва мия қатғиқ пардаси пластикаси, гидросирингомиелитик кисталар билан биргаликда кечадиган орка мия ўсмаларини

даволаш, афазияни баҳолаш, интраоперацион мия марказларини хариталаш шулар жумласидандир. Яна бир ноёб операция 36 ёшли беморда бажарилди. Бош миянинг нутк маркази соҳасида жойлашган ўсма янгича — “уй-ғок” жарроҳлик услубида, яъни амалиёт давомида бемор эс-хушини сақлаган, оғриқ ҳис этмаган ҳолатда муваффақиятли олиб ташланди.

Марказнинг 34 нафар шифокори Германия, Испания, Россия, Хитой, Туркия, Миср, Индонезия, Ҳиндистон, Қозоғистонда малака ошириб қайтди. Шунингдек, Хитой, Россия, Исроил ва Қозоғистондан келган шифокорлар билан биргаликда кўргазмалли операциялар, қўшма маҳорат дарслари ўтказилди.

Муҳими, худудий филиалларда ҳам янги даволаш ва диагностика усуллари амалиётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, Сурхон-

дарё вилоятида бош миянинг каверноз мальформациясини жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш, Жиззах вилоятида бош мия қон томирларининг стеноз касаллигида экстра-интракраниал томир шунглаш, Бухоро вилоятида эса бош мия артеривеноз мальформациясини эндоваскуляр йул билан тўсиб қўйиш каби амалиётлар жорий қилинди.

Худудий филиаллар билан телемедицина ёрдамида беморларни диагностика қилиш ва даволаш йўлга қўйилган. Бош мия ўсмаси касаллигининг юқори технологик давоси вилоятларда ҳам амалиётга татбиқ этилганлиги туфайли ушбу патология бўйича марказга мурожаатлар 1,5 баробарга камайди. Жорий йилда муассасамизда янги 5 та диагностика ва 4 та даволаш усули жорий этилади, булардан: Паркинсон касаллигида ва ҳаракат бузилишлари кузатилади-

ган касалликларда бош миянинг чуқур марказларига стимулятор ўрнатиш, тутқаноқ хасталигида хуружларни камайтириш мақсадида адашган нервга стимулятор ўрнатиш, болаларда бош суяги вақтидан олдин битишини жарроҳлик йўли билан янги технологик ускуналар орқали даволаш татбиқ этилади.

Вилоят филиалларида эса янги 1 тадан диагностика ва 3 тадан даволаш усуллари жорий этиш қўзда тутилган. Вилоят муассасаларидаги 14 нафар, марказдаги 15 нафар мутахассис чет давлатларнинг нуфузли клиникаларида малака оширади. Жойларда маҳорат дарсларини ташкил қилиш, аҳоли скрининги давомида қўшимча текширув сифатида марказий асаб тизими нейровизуализациясини ўтказиш ва унинг натижасида касалликларни эрта босқичда аниқлаш кўрсаткичини оширишни мақсад

қилганмиз. Шунингдек, 42 нафар мутахассис томонидан 10 та йўналишда илмий изланишлар олиб борилиб, 8 нафар нейрохирург докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилади.

Марказнинг етакчи мутахассислари йил давомида доимий тарзда режа асосида вилоятлар филиалларига илғор нейрохирургик амалиётларни бажариш учун жалб этилади.

Бундан ташқари, янги технологияларни жорий қилиш, тажриба алмашиш, маҳорат дарслари ҳамда худудларда тиббий кўриклар ва операцияларни ўтказиш мақсадида Россия ва Қозоғистондан мутахассислар ташрифи қўзда тутилган.

Ғайрат ҚОРИЕВ,
Республика
ихтисослаштирилган
нейрохирургия илмий-амалий
тиббий маркази директори.

ТУМАНЛАРДА КАРДИОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

ХУДУДЛАРДА ДИАГНОСТИКА АМАЛИЁТЛАРИ СОНИ 15 ТАГА ОШИРИЛИБ, БЕМОРЛАРНИНГ ХОРИЖ, ПОЙТАХТ ВА ҲАТТО ВИЛОЯТЛАР МАРКАЗЛАРИГА ҚАТНАШИГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИ

**ЎТГАН ЙИЛИ
ТИББИЁТНИ ХАЛҚҚА
ЯҚИНЛАШТИРИШ
ЙЎНАЛИШИДА
РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ ТИББИЁТ
МАРКАЗИ ТОМОНИДАН
ДАДИЛ ҚАДАМЛАР
ТАШЛАНДИ.**

Жорий йилда ҳам олдимизда залворли вазифалар турибди. Энг аввало, ихтисослашган тиббий ёрдамни қуйи бўғинларга тушириш борасидаги ишларимизни изчиллик билан давом эттирамиз.

Шу мақсадда туман (шаҳар) тиббий муассасаларини эхокардиография ва холтер-ЭКГ замонавий кардиология ускуналари ҳамда коагулометр билан тўлиқ жиҳозлаш ҳисобига

жойларда янги турдаги диагностика амалиётлари сонини яна 15 тага оширишни режа қилганмиз. Жумладан, Бекобод ва Денов туманлари ҳамда Наманган шаҳрида юқори технологик тиббий ёрдам турлари оширилади. Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида маҳаллий мутахассислар учун бир қатор йўналишлар бўйича маҳорат дарслари уюштирилади.

Марказнинг Сурхондарё, Жиззах, Андижон ва Фарғона филиалларида мураккаб радиочастотали абляция амалиётларини ўтказиш йўлга қўйилади. Бу билан биз 5 турдаги тахикардия амалиётларини тўлиқ филиалларнинг ўзида жорий этмоқчимиз.

Муҳими, бу орқали беморларнинг ортиқча вақт ва маблағ сарфлаб хорижга, пойтахт ёки

вилоятлар марказларига қатнашига барҳам берилади.

Туман шифохоналарининг мингдан зиёд мутахассислари марказимиз ва жойларнинг ўзида билим ва кўникмасини мустаҳкамлайди. Муассасамизнинг 46 нафар мутахассиси 7 та чет давлатдаги нуфузли клиникаларда малакасини ошириб келади.

Ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни туман даражасига тушириш мақсадида ҳар бир худуддан 2 тадан туман ва шаҳарни намунавий шаклга келтириш чораларини кўрамиз.

Жорий йилги вазифаларимиз орасида халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш алоҳида ўрин тутди. Хусусан, тиббий ёрдамнинг ушбу йўналиши яхши ривожланган давлатлардан етук мутахассисларни жалб этиш ниятимиз бор.



Аниқ айтадиган бўлсак, Ўзбекистон кардиология хизматининг мавқеи ва нуфузини кўтариш, бу борада тажриба алмашиш, маҳаллий мутахассисларга маҳорат дарслари ўтказиш, илғор технологияларни амалиётга жорий қилиш, жойларда тиббий кўрик ва операцияларни амалга ошириш учун 6 давлатдан 19 нафар мутахассис келиши таъминланади.

Айни чоғда кардиология соҳасида тиббий туризмни ривожлантириш тадбирларига эътибор кучайтирилади.

Шуларга мос ҳолда марказимиз ва худудий филиалларда

функционал диагностика хоналари, компьютер томография бўлимлари, юқори технологик амалиёт бўлимларида дастурий таъминот ва сунъий интеллект дастурларини татбиқ қилиш ҳисобига кардиология хизматини янада кўтариш чораларини кўрамиз.

Бу вазифалар ижроси биздан катта билим ва тажриба ҳамда масъулият талаб этишини яхши тушунамиз.

Хуршид ФОЗИЛОВ,
Республика
ихтисослаштирилган
кардиология илмий-амалий
тиббий маркази директори.

КОМИЛ ИНСОННИ КОИННОТДАН ИЗЛАМАНГ

Улар орамизда ва ёнимизда

Ҳаётда шундай инсонлар борки, уларнинг ҳаёт ва фаолият йўлларига назар ташласангиз ҳавасингиз келади. Бундай инсонлар ўзларининг эзгу фазилятлари, қолаверса, ўз касбига бўлган садоқати билан эл орасида обрў-эътибор топишади ва муносиб номга сазовор бўлишади. Ана шундай эътирофга лойиқ бўлган ва қарийб 50 йилга яқин халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилиб келаётган ўз касбининг моҳир устаси, қўли энгил жарроҳ, моҳир ташкилотчи, айна пайтда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали шошилинч хирургия бўлими мудури, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Ходжибаев Абдулазиз Мўминовичдир.



Авваломбор, ижодкор сифатида бугунги қаҳрамонимиз Абдулазиз Мўминовичнинг марҳум оталари Мўмин ота Ходжибаевни хотирлашни жоиз, деб билдим.

... **Ҳамон эсимда**, 2009 йилнинг 12 январида улар менга кўнгирак қилиб, “Қизим Ибодатхон, менинг “Ҳаёт сабоқлари” номли китобим нашрдан чиқди. Шу китобни сизга тақдим қилмоқчи эдим. Таҳририятда бўласизми, деб сўрадилар”. Ҳа, таҳририятда бўламан дедим. Бир қанча вақт ўтмай, домланинг шогирдлари таҳририятга устознинг китобларини олиб келди. Китобни қўлимга олар эканман, аввало, унинг муковасидаги домланинг касб этикасига хос бўлган суратлари ва китобнинг номига қўзим тушди. Китобни очишим билан муаллифнинг менга эсдалик сифатида ёзган дил сўзларини ўқиганимда домладаги инсонийликка хос бўлган эзгу фазилятларидан ниҳоятда мамнун бўлиб, кўзларимдан кувонч ёшлари қалқиди. Мазкур китобни муаллиф марҳум ота-оналарининг хотираларига бағишлаб беш бобда ёзган эдилар. Китобни ўқиб бўлгач, домланинг ҳаёт ва фаолият йўллари билан янада чуқур танишиб, шундай хулосага келганманки, устоз, қўли энгил жарроҳ, қолаверса, ўз касбига садоқат билан ёндашган, олийжаноб инсон Мўмин Ходжибаевнинг қалб меҳри ила Ходжибаевлар сулоласи – шифокорлар оиласини яратганлигини гувоҳи бўлдим. Устоз марҳум Мўмин Ходжибаев турмуш ўртоқлари Ҳикоятхон ая билан турмуш қуриб, беш фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Эътирофлисиз шундаки, фарзандлари ота касбини улуғлаб, бугунги кунда халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилиб келишмоқда. Абдуҳаким Ходжибаев хирург, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Абдуазим Ходжибаев стоматолог,



Абдулазиз Ходжибаев хирург, тиббиёт фанлари номзоди, доцент, Лобар Ходжибаева невропатолог, Барно Ходжибаева физиотерапия мутахассиси. Бу, албатта, ота-она учун катта бахтдир. Устоз “Ҳаёт сўқмоқлари” китобининг хотима қисмида ушбу фикрларни баён этганлар. “Олтмиш йилдан ошиқ хирург, эллик йилдан ошиқ ўқитувчи устоз умрим давомида ўтган даврнинг аччиқ-чучук, адолатли-адолатсиз ҳодисаларга бой бўлган мевалардан тотиб кўрганим, барча кўрган кечирганларимни бирма-бир кўз олдимга келтирдим. Ушбу ҳаётини лавҳаларни оқ қоғозга тушириб, тўғри иш қилганимдан сира афсусланмайман. Кўзимни юмиб орқага қарасам, рафиқам Ҳикоятхон билан бир ёстикка бош қўйганимизга салкам олтмиш йил бўлибди. Бу даврда оз мунча сувлар оқиб ўтди? Жудолик, мусофирчилик, қийинчилик, етишмовчилик йилларида ҳам тақдирнинг берган оғир дардларини бир тану жон бўлиб, фикримиз, мақсадимиз бир нуктадан чиқиб бир-биримизга бўлган садоқатимизни сақлаб, ота-оналаримизнинг хурматла-

рини жойига қўйиб, дуоларини олиб, Яратганнинг берган ажойиб неъматлари бўлмиш фарзандларимизни тарбиялаб, ўстириб, ўқитиб, касб эгаси, оилали ва уй-жойли қилдик. Фарзандларимиз ота-онанинг қадри, хурмати, иззатини ўзбекона ор-номус, андиша билан ўрнига қўйиб, дуоларини олишга ҳаракат қилишди. Халқимиз, юртимиз, маҳаллага хизмат қилиб, Ходжибаевлар оиласига раҳматномалар олиб келишадигани ва улар камолни кўришдан ортиқ бахт бўлмас керак, ота-она учун”. Шу ўринда айтишим лозимки, муаллиф китобларининг бешинчи бобида “Жигарбандларим ва фарзандларим ҳақида” деб беш нафар фарзандларининг дунёга келганидан то оила ва жамиятда тугган ўрни тўғрисида жуда савияли тарзда изоҳ берганлар. Домланинг мазкур китобларидаги ҳар бир хотира сатрларини давом эттиришимиз мумкин. Донишмандларимиздан бири “Дунёда шундай бир улуғ зот борки, биз ундан ҳаммиша қарздоримиз. У ҳам бўлса онадир, деган эди. Дарҳақиқат, оилада беш нафар фарзандни тарбиялаб камолга етказишда

зиз Ходжибаев ўзининг қутлуғ 70 ёшини қарши олди. Қўли энгил жарроҳнинг меҳнат фаолиятига назар ташлар эканмиз, 49 йил халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиб келаётганликларини гувоҳи бўлдим. Суҳбатимиз давомида Абдулазиз Мўминович, авваломбор, оталари Мўмин Ходжибаевни меҳр билан тилга олдилар. Шунингдек, айна кунда оилага файзу баркоат улашиб турган онажонлари тўғрисида тўлқинланиб гапирдилар.

- *Ҳар кун ишга кетишимдан олдин онажоним кўлларини дуога очиб, мени ишга кузатдилар. Онажонимнинг дуолари боис, шу кунгача жарроҳлик фаолиятимни давом эттириб, қанчадан-қанча беморларга нажот бахш этиб келаётганлигимдан хурсанд бўламан.*



оналари Ҳикоят аянинг ҳам меҳнатлари бекиёсдир.

Ҳа, мунис ва мушфиқ оналаримиз ҳақида қанчалар ёзсақда, эътироф этсақда, сўз бойлигимиз камлик қилади. Ҳикоят ая бугунги кунда 90 ёшни қарши олиб, фарзандлари, келинлари, куёвлари, набиралари ва аваралари қуршовида кексалик гаштини суриб келмоқдалар. Бу, албатта, оила учун файзу барокатдир. Яқинда ушбу оиланинг самимий ва камтарин фарзандларидан бири Абдула-

Абдулазиз Ходжибаев 1955 йилнинг январида Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1972 йилда мактабни муваффақиятли тугатиб, Тошкент тиббиёт академияси (собиқ Тошкент давлат тиббиёт институти)нинг даволаш факультетига ўқишга кирди. Абдулазиз Мўминович институтда аъло баҳоларга ўқиб, таълим муассасасини қизил диплом билан тугатади.

Ёш шифокор 1978-1979 йилларда Тошкент тиббиёт инсти-

КОМИЛ ИНСОННИ КОИННОТДАН ИЗЛАМАНГ



Улар орамизда ва ёнимизда

– Авваломбор, марҳум Мўмин Ходжибаевни мен биринчи устозим деб биламан. Жарроҳлик сирү синоатларини шу устозимдан ўрганганман. Бугунги кунда уларнинг фарзандлари Абдулазиз Ходжибаевни ҳам ўзимга устоз деб биламан. Улар оиласи тўғрисида гапирадиган бўлсам, юртимизда энг ибратли шифокорлар сулолалари дейишга тўла ҳақлиман. Марҳум устозим фарзандларига ҳам ўзларидаги барча эзгу фазилятларни сингдириб кетганлар. Бугунги кунда беш нафар фарзандлари ҳам эл дуосига мушарраф бўлиб, халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқда, – дейди Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Низом Абдуллаев.



“Ўғил-қизларим менинг фахрим” деган эди марҳум Мўмин Ходжибаев

тутини “Хирургия” мутахассислиги бўйича интернатура, 1978-1986 йилларда - Тошкент шаҳар шошилич тез ёрдам шифохонасида жарроҳ-шифокор, 1986-1996 йилларда – Тошкент давлат тиббиёт институти ассистенти, 1996-2000 йилларда Тошкент вилоят марказий шифохонаси жарроҳлик бўлими мудири, 2001-2005 йилларда – Тошкент тўқимачилик тиббий-санитария қисмида жарроҳлик бўлими мудири, 2005-2012 йилларда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази қатта илмий ходими, 2012-2015 йилларда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиали директори, 2015-2017 йилларда Яккасарой тумани тиббиёт бирлашмаси хирургия бўлими жарроҳ-шифокори, 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиалининг шошилич хирургия бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда.



Абдулазиз Ходжибаев жарроҳлик сирларини чуқур ўрганиши билан бир вақтда ошқозон ва ўн икки бармоқни ичакнинг яра касаллигини жарроҳлик йўли билан даволаш услублари устида илмий ишлар олиб борди, анжуман ва съездларда қатнашиб, илмий мақолалар чоп этди. Профессор С. Файн раҳбарлигида “Ошқозон ва ўн икки бармоқни ичакнинг яра касаллигида ваготомия усули билан даволаганларда ошқозон секрецияси ва морфологиясининг операциядан кейинги ҳар хил даврда ўзгаришлари” мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди. Жарроҳлик касбини академик Шавкат Каримов кафедраси (собиқ Тошкент давлат тиббиёт институтининг иккинчи клиникаси)да ассистентлик лавозимида ўн уч йил давомида мураббийлик маҳоратини ошириб, қанчадан-қанча оғир беморларни операция қилиб дарддан халос этиб, талабалар, жамоа ҳамда беморлар ўртасида хурмат ва эътибор қозонди.

бўлимда ошқозон-ичак, жигар, ўт қоплари, ўпка касалликларида юқори технологик операциялар тўлиқ йўлга қўйилган. Туманларда мунтазам “мастер класс” дарслари ўтказилиб келинмоқда. Бўлимга жароҳатлар билан тушган беморларда бошқа касалликлар ҳам эрта аниқланиб, стандарт даволаш ишлари самарали олиб борилмоқда. Абдулазиз Ходжибаев ўз меҳнат фаолияти давомида 70 дан ортиқ тезис мақолалар ёзган. Эътирофлиси шундаки, тажрибали жарроҳ ўтган йиллар давомида 5 мингдан ортиқ операцияларни амалга ошириб келаётган бўлса, 10 минглаб беморларни даволашда ўзининг ҳалол меҳнати билан муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Ҳозирги кунларда ҳам ноёб ҳислат эгаси Абдулазиз Ходжибаев юқори технологик операцияларни мукамал бажариб келмоқда. Малакали жарроҳнинг кўплаб шогирд-

лари бугунги кунда хорижий давлатлар ҳамда мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида фаолият юритиб келишмоқда. Қўли энгил жарроҳнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари инobatга олиниб, 2014 йилда “Жанг биродарлиги” Халқаро иттифоқи томонидан “Соғлиқни сақлаш хизматлари учун” медали, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг “Соғлиқни сақлаш аълоҳиси” ва 2023 йилда “Паражали меҳнат фахрийси” кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Ўз касбининг моҳир устаси Абдулазиз Ходжибаев рафикаси Лайло опа билан беш нафар фарзандни тарбиялаб воёга етказишди. Ота касбини улуғлашда ортиқ бахт бўлмаса керак. Бугунги кунда эл назарига тушган инсон Абдулазиз Мўминовичнинг икки нафар фарзанди ота касбини улуғлаб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, самимий, камтарин ва эзгу фазилятли инсонлар билан суҳбатлашганимизда уларнинг ҳаёт ва фаолият йўлларига ибрат назари билан қарагинг келади. Малакали жарроҳ Абдулазиз Ходжибаев билан суҳбатимиз якунига етар экан, улар ўз севаган касбларидан мамнун эканликларини ва бугунги кунда кўплаб шогирдлар етказиб, улар халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилаётганлигидан фахрланиб гапирдилар.

Ибодат СОАТОВА.

◀Давоми. Боши 1 –бетда


4000 НАФАР ЎҒИЛ-ҚИЗ СКРИНИНГ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИНАДИ

Юртимизда болалар хирургияси йўналиши трансформация қилиниши натижасида яхлит вертикал бошқарув тизими жорий қилиниб, хизмат кўрсатиш қўлама маҳаллаларгача туширилди. Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиши кўзда тутилган.

– Вилоят, туман (шаҳар)ларда 4000 нафар 18 ёшгача бўлган ўғил-қиз скрининг билан қамраб олиниб, жарроҳлик патологиясини беморларда эрта босқичда аниқлаш кўрсаткичи оширилди, – дейди Республика болалар кам инвазив ва эндоскопик хирургия илмий-амалий маркази директори Бобир Абдусаматов. – Муассасамизнинг 13 нафар юқори малакали мутахассиси йил давомида доимий равишда ҳудудларга сафарбар қилинади. Марказнинг ўзида 6 та диагностика ва 8 та даволаш усули амалиётга киритилди. Бунинг натижасида бемор-

ларнинг ортиқча вақт ва маблағ сарфлаб хорижга, пойтахтимиз ва вилоятлар марказларига қатнови камади. Шунингдек, вилоят ва туман муассасаларидан 19, марказдан 4 нафар шифокор чет элда малака оширади. Бундан ташқари, мутахассислар томонидан 6 та йўналишда илмий изланишлар олиб борилмоқда. 2 нафар хирург докторлик ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Жумладан, болаларда аноректал малформациялар, қизилўнғач куйишдан кейинги стенозид реконструктив жарроҳлик амалиётлари, жигар ва ўт йўллари туғма ҳамда ортти-

рилган патологияларида жарроҳлик амалиётлари ва кам инвазив усулларни ўзлаштиришни мақсад қилганмиз. Германия, Россия ва Беларусь давлатларидан болалар хирургияси йўналишида фаолият олиб боровчи етук мутахассислар томонидан вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари ҳамда муассасамизда қўшма жарроҳлик амалиётлари ва маҳорат дарслари ўтказилади. Тиббий туризмни ривожлантириш, мамлакатимизда болалар хирургияси хизматининг мавқеи ва нуфузини ошириш ҳам эътибор марказимизда. Шундан келиб чиққан ҳолда, муассасамиз ва ҳудудларга жалб этиладиган чет эллик беморлар сони 2 марта кўпайтирилди. Шунингдек, рақамли ва инновацион технологи-



ялар, телетиббиёт амалиётга кенг татбиқ этилади. Ишончимиз комилки, бундай мақсад ва вазифалар ижроси орқали ихтисослаштирилган тиббий ёр-

дамни аҳолига янада яқинлаштириш, жондан азиз болажонларимиз саломатлик кўрсаткичларини янада яхшилашга эришамиз.

@ssv.uz

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Дунё статистик маълумотларига кўра ҳар саккизинчи ўлимни саратон касаллиги келтириб чиқарар экан. Онкологик касалликлар ичида ўпка саратони энг кўп тарқалганларидан бири ҳисобланади. Дунё мамлакатлари sanoat соҳасининг ривожланиб бориши бу хасталикнинг авж олишига замин яратмоқда. Ўзбекистон аҳолиси ҳам бу муаммодан узоқ эмас. Мавзу юзасидаги долзарб саволларга Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиологика илмий-амалий тиббиёт маркази олий тоифали торакал онкологи Алмардонов Рустам Боймуродович жавоб бердилар.

– Инсонда учрайдиган хавфли ўсмалар, яъни саратон хасталиги қандай касаллик?

– Умуман олганда, ўсмаларни 2 га бўлишимиз мумкин: хавфли ва хавфсиз. Хавфсиз ўсмалар ўзи ўсган жойини зарарламайди, ёндош аъзоларга ўтиб, уларга ҳам зарар етказмайди. Бу ўсмани жаррохлик усули билан олиб ташлаш мумкин. Шу билан муаммо ҳал қилинади. Хавфли ўсмаларнинг кечиши эса бундан анча фарқ қилади. Бундай ўсмалар инсон танасининг барча аъзоларида учраши мумкин. Ҳатто, кўз, кулок, тилда ҳам пайдо бўлади. Унинг хавфлилиги даражаси шундан намоён бўладики, хавфли ўсмалар борган сари ўзи ўсган аъзони зарарлаб, ёндош аъзоларга ҳам ўтиб боради ва у доимий равишда ўсиб боради.

– Ўпка саратонини келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири тамаки чекиш эканлиги барчамизга маълум. Бу хасталикнинг пайдо бўлиши яна қандай сабабларга боғлиқ?

– Барча аъзолардаги саратонни келтириб чиқарувчи умумий сабаблар деярли бир хил. Уларни шундай таснифласак бўлади: турли хил вируслар сабабида саратон хасталиги пайдо бўлиши, яъни вирус назарияси; узоқ вақт давомида бирор аъзонинг таъсирланиши натижасида (бу саратонни келтириб чиқарувчи механик назариядир) саратон хасталиги вужудга келиши мумкин. Масалан, узоқ вақт оғзида нос ушлаб турувчиларда лаб, тил, халқум, қизилўнгач саратони, бўйнида холи бор одамларда кўйлак ёқасининг ҳолга ишқаланиши оқибатидаги меланома кузатилиши мумкин. Кейинги омил сифатида кимёвий назарияни олишимиз мумкин. Буни экологиянинг бузилиши, таомларимизда кимёвий моддаларнинг ортиб кетиши, табиатдан узоқлашиш билан изоҳласак

мумкин, холос. Бундай қандай тушуниш мумкин? Наслий касалликлар ҳеч бир омилларсиз авлоддан– авлодга ўтиб боради. Саратонда эса бу бошқача кечади, масалан, иккита одам бир хил шароитда яшади, турмуш тарзи, зарарли одатлар чекиш, ичиш билан ҳам бир хил даражада шуғулланиди. Аммо бири саратон билан оғриди, иккинчиси эса йўқ. Генида саратон хасталигига мойиллик бўлганларда бирор туртки сабаб бўлиб бу касаллик пайдо бўлади. Саратоннинг наслий хасталик эмаслиги шунда кўринадики, у ўз ўзидан пайдо бўлмайди. Буни четлаб ўтиш йўли бор. Бу изоҳ саратоннинг барча турларига мос келади.

бўлиши ва захарли газлардан нафас олиши билан изоҳлаш мумкин. Географик нуктаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, ўпка саратони тарқалиши бўйича Европа давлатларида биринчи ўринда туради. Мамлакатда sanoatнинг ривожланиши, автомобил-

балғамли йўталнинг авж олиши, бирор оғир иш қилинганда хансираш, нафас сиқилиши, кўкрак кафасида оғрик пайдо бўлиши. Энг сўнгги тўртинчи

босқичда ўсимтанинг бирор бўлагига қон орқали тана-

нинг турли қисмларига бориб етади ва ўша жойда ривожлана боради, яъни саратон бутун тана бўйлаб тарқалади. Бемор тинч турганда ҳам хансирайди, сурункали йўталдан нафас ололмай қолади, ётганда кўпроқ безовта бўлади, натижада ўтириб ухлашни одат қила бошлайди. Касалликнинг биринчи ва иккинчи босқичларида тўлиқ даволаш мумкин. Учинчи босқичда эса, даволаниш мураккаблашиб боради. Ижобий натижа олиш эҳтимоли камаяди. Битта ўпкани олиб ташлашга тўғри келиши ҳам мумкин. Сўнгги босқичда эса, ўсмани даволаш катта муаммо. Чунки саратон бутун тана бўйлаб тарқалиб бўлган. Энг ёмони шундаки, тўлиқ даволаниш имконияти кўпроқ бўлган дастлабки босқичларда белгилар деярли кузатилмаганлиги учун шикоят билан келганларнинг кўпчилиги касалликни ўтказиб юборишган бўлади.

– Саратоннинг олдини олиш, унга чалинмаслик учун қандай маслаҳатлар бериши?

– Аввало, мунтазам равишда умумий тиббий кўрикдан ўтиш керакли шунчаки бир гап эмас. Унга амал қилиш шарт! Зарарли одатларга чек қўйиш, соғлом турмуш тарзини кўникма қилиб олиш ўпка саратонига чалинишнинг олдини олади. Ўпка билан боғлиқ турли сурункали касалликларни вақтида, асорати қолмаслиги учун охиригача даволаш, атроф муҳит тозаланишига эътиборли бўлиш, чиқиндиларни ёқмаслик, зарарли одатлардан, айниқса, таъмаки ва нос чекишдан сақланишни тавсия қиламиз. Унутманг, саломатлигингиз ўз қўлингизда.

Сухбатдош:
Намоз ТОЛИПОВ.



– Саратон насл суради, авлоддан авлодга ўтади, деган халқ орасидаги қарашлар тўғрисидаги фикрингиз?

– Қатъий таъкидламанки, бу нотўғри қараш! Одамлар орасида генетик касалликлар ва хасталикка нисбатан наслий мойилликни ажрата олмаслик кўп кузатилади. Беморларимиз орасида ҳам шунга ўхшаш ангилашилмовчиликлар тез–тез учраб туради. Баъзан эса бирор яқин қариндоши саратон билан оғриган қизларни келин қилишдан, йигитларга киз узатишдан кўрқийди. Яна бир бор такрорлайман, саратон насл сурувчи хасталик эмас, унда наслий мойиллик бўлиши

– Ўпка саратонига кенгроқ тўхталсак. Бу касаллик билан оғришга ёшнинг, жинснинг, минтақанинг қанчалик аҳамияти бор?

– Ёш бўйича олиб қарайдиган бўлсак, катта ёшлиларда кўпроқ учрайди. Чанг ва турли захарли газлардан 10–15 йил нафас олган ўпканидан кўра 40–50 йил шу газларни ютган ўпкада саратон билан оғриш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Аёллардан кўра эркекларда ўпка саратони 10 фоизгача кўп учрайди. Буни ишлаб чиқариш, sanoat соҳасида эркекларнинг кўпроқ ишлаши, кўчада кўпроқ

ларнинг кўпайиши, табиатдан узоқлашишга олиб келади. Бу эса ўпка саратони касаллигини келиб чиқишига замин яратади. Тоғли туманлардан кўра шаҳар аҳолиси ўртасида ўпка саратонининг кўп учрашига ҳам юқоридаги таъсирлар сабаб бўлади. Статистик маълумотлар шуни кўрсатдики, кўкрак кафаси кичкина одамларда кенг кўкрак кафасиларга нисбатан ўпка саратони хасталиги билан оғриш кўпроқ бўлар экан.

– Ўпка саратонининг босқичлари ва белгилари қандай бўлади?

– Ўпка саратони тўрт босқичда кечади ва белгилари ҳам шунга мувофиқ кўрина боради. Биринчи босқичда ўсимта ўпканинг маълум бир қаватида пайдо бўлади. Бу босқичда бирор бир ташқи белги сезилмайди. Иккинчи босқичда эса ўсимта аъзонинг бир неча қаватига ўтиб, уни зарарлай бошлайди. Бу босқичда ҳам ташқи белгилар деярли йўқ. Фақатгина тиббий текширишгина буни аниқлай олади. Учинчи босқичда ўсимта ўпканинг барча қаватларини зарарлаб, кўшни аъзоларга ҳам ўта бошлаган бўлади. Ташқи белгилари: курук, кейинчалик эса

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ



ОППОРТУНИСТИК КАСАЛЛИК

У ЛОТИНЧА СЎЗДАН ОЛИНГАН БЎЛИБ, МУВОФИҚ ВА ҚУЛАЙ МАЪНОНИ АНГЛАТАДИ

ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ – УШБУ ИНФЕКЦИЯНИНГ ҚЎЗГАТУВЧИ ВИРУСИ ОДАМГА ЮҚСА ВУЖУДГА КЕЛАДИ. ОИВ ЮҚҚАН ШАХС УЗОҚ МУДДАТ (ЎРТАЧА 8 ЙИЛ) ДАВОМИДА ЎЗИНИ СОҒЛОМ СЕЗАДИ ВА ЎЗИ БИЛМАГАН ҲОЛДА ВИРУСНИ БОШҚА ОДАМЛАРГА ЮҚТИРАДИ. ИНСОНДА ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ БОР-ЙЎҚЛИГИНИ ФАҚАТ УНИНГ ҚОНИНИ ТЕКШИРИШ ОРҚАЛИ АНИҚЛАШ МУМКИН. ОИВ БЕМОР ТАНАСИДА ЖУДА ТЕЗ КЎПАЯДИ (БИР СУТКАДА ОДАМ ТАНАСИДА БИР НЕЧА МИЛЛИАРД ВИРУС ҲОСИЛ БЎЛАДИ) ВА ВАҚТ ЎТИШИ БИЛАН ОРГАНИЗМНИНГ ИНФЕКЦИЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚОБИЛИЯТИ КЕСКИН ПАСАЯДИ, ОҚИБАТДА ҲАР ХИЛ ЁНДОШ КАСАЛЛИКЛАР РИВОЖЛАНИШИГА САБАБ БЎЛАДИ. ИММУНИТЕТ ЗАИФЛАШГАН САРИ БУ КАСАЛЛИКЛАР АВЖ ОЛИБ БЕМОРНИНГ АҲВОЛИ ОГИРЛАШАДИ. БУНДАЙ ҲОЛАТ ОИВ ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ОХИРГИ БОСҚИЧИ – ОИТС ДЕБ АТАЛАДИ.

Оппортунистик касаллик – лотинча сўздан олинган бўлиб, мувофиқ ва қулай маъносини англатади. Иммуниетнинг пасайиши организмнинг кучсизланиб бориши натижасида ёндош касалликлар ривожланиши учун қулай шароит туғилади. Шунинг учун соғлом иммунитетга эга инсонларда оппортунистик ёндош касалликлар деярли учрамайди. Иммунтанқислик туфайли бемор организмда ҳар хил микроорганизмлар фаоллашиб, турли касалликларни чақирадилар. Кўпинча нафас йўллари, ошқозон-ичак тизими турли даражада яллиғланади. Бу аҳвол узоқ муддат давомида тез-тез қайталашиб, беморнинг аҳволини оғирлаштиради. ОИВ билан оғирган беморлар ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан АРВТ терапия – ОИВ кўпайишини тўхтатишга қаратилган даволаш усулидан фойдаланадилар. Шу

даволаш усулидаги дори препаратларини ўз вақтида қабул қилмаса, ёндош касалликлар кўпаяверади. Аксарият беморларда оғиз яралари пайдо бўлади.

Иммунтанқислик туфайли ривожланган ва кўп учрайдиган касаллик – бу ўпка сили. Беморда узоқ вақт давом этувчи иситма, йўтал, озиш кузатилади. Касаллик балғамни 3 марта текширтириш ва кўкрак кафасини рентген килдириш орқали аниқланади. Пневмоцистли зотилжам – беморда йўтал, ҳолсизлик, кучли хансираш, нафас сиқиши, иситма кўтарилиши безовта қилади ва кўпинча даво ўз вақтида берилмаса, ўлимга олиб келади. Ошқозон-ичак тракти инфекцияси – ОИТСга чалинганларда энг кўп учрайдиган ошқозон ичак тракти шикастланиши салмонеллез, шигеллез, криптоспориоз, микроспориоз ушбу хасталикларнинг баъзилари соғлом одамларда учрайди. Фарқи шундаки, ОИВ чалинганларда бу касалликлар билан курашиш қийин кечади. ОИТСдаги ошқозон-ичак тракти шикастланишининг асосий белгилари – диареядир. Бунда беморларда саббсиз сурункали ич кетиш ҳолатлари кузатилади. Турли қўзғатувчилар келтириб чиқарадиган менингит – токсоплазмоз, герпетик инфекция, сил цитомегаловирус инфекция ва бошқа касалликларни асорати бўлиб, кўпинча ўлимга сабаб бўлади. Бош мия юмшоқ пўстлогининг оғир яллиғланиши қаттиқ бош оғриғи билан кечади. Жинсий алоқа йўли билан юқадиган инфекциялар. Аёлларда вагинал, эркакларда генитал кандидозлар, кучли оқинди, кичишиш билан беморни безовта қилади. Турли микроорганизмлар сабаб бўлган диареялар. Беморда узоқ муддат ич кетади, сувсизланади, озиб кетади. Агар ич кетиш, иситма билан бирга кечса, беморнинг аҳволи жуда оғир бўлади. Тери ва шиллик қаватларда тошма чиқарувчи касалликлар – герпес зостер, сўгаллар ва замбуруғли касалликлар. Капоши саркомаси - бу хавфли касаллик онкологияга тааллуқли бўлиб, зўрайиб бориши исботланган. Бу 8 турдаги саркомани Герпес вируси келтириб чиқаради. Терининг ёки шиллик қава-

тини исталган жойида пайдо бўлади. Тери Капоши саркомасининг дастлабки белгилари кўк ёки қирмизи тугунларга ўхшайди – шиллик қаватларда зич бироз кўпайган ҳосилалар намоён бўлади. Бачадон бўйни саратони – инсон папиллома вируси бачадон бўйни саратонининг асосий сабабларидан бири эканлиги исботланган. ОИВ инфекцияси ёки ОИТСга чалинган инсонларда иммунитет пасайганда папиллома вируси шиллик пардалар ва терининг хужайраларида кескин кўпаяди. Герпес вируси инсонларда вируснинг типик намоён бўлиши, оғиз атрофидаги, юзасида, бурун атрофида лабда ёки жинсий аъзоларда оғрикли эрозия безовта қилади. Токсоплазмоз. Асаб тизимини шикастланиши – токсоплазмоз – онгнинг ишламаслиги, бош оғриғи, иситма ва бошқа функцияларнинг бузилиши кўпинча дарҳол намоён бўлмайди. Ташхис асосан компьютер томографияси, магнит-резонанс томографиясига асосланади. Цитомегаловирус инфекцияси нафақат асаб тизимига, балки кўпайиб оғирланганларга таъсир қилади. Аммо тез ва хавфлиси ҳам шудир, чунки у кўрликка олиб келади. ОИВ инфекциясида тери ва тирноқларнинг зарарланиши – ОИТСнинг дерматологик намоёйишидир. Тери, тирноқ, шиллик пардалар кўпинча ОИВ инфекциясининг юқори босқичида оғрикли ўтади. ОИТСдаги терида тошмалар куйидаги кўринишга эга кичишиш, кичишган терида ёрилган тешиклар пайдо бўлади.

Юқорида келтирилган ёндош касалликларга чалинмаслик учун, ОИВ билан касалланган беморларимиз белгиланган вақтда кўрикларга, албатта, келиб ўзини кўрсатиши керак ва керакли таҳлилларни топшириши (масалан, СД4, ПЗР ни аниқлаш) шарт. Беморлар вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан бериладиган АРВТ препаратларини бирорта дозасини ҳам қолдирмай 95 – 100 фоз қабул қилишлари шарт.

Дилбар ЖУМАНАЗАРОВА,
Қашқадарё вилоят ОИТСга
қарши курашиш марказининг
олий тоифали шифокори.

КАСАЛЛАНИШНИНГ АСОСИЙ САБАБИ – ТАШҚИ МИГРАЦИЯ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА

Жаҳонда кўпайиб инсонлар саломатлиги ва оилалар мустаҳкамлигига раҳна солаётган, давлатлар иқтисодиётига катта зарар етказётган ОИВ инфекцияси билан курашиш бутун жамиятнинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Президентимизнинг 2023 йил 20 январдаги “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 14-сонли қарори касаллик ташхиси, профилактикаси ва даволаш ишларининг янада фаоллашувини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Маъруза қарорга кўра аҳоли ўртасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир 2023-2027 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Шунга мувофиқ Наманган вилоят ҳокимининг 2023 йил 13 февралдаги чора-тадбирлар режаси ҳам тайёрланган эди. Ўшандан буён вилоятда меҳнат мигрантлари орасида ОИВ касаллигини эрта аниқлаш, даволаш тадбирлари самарадорлигига эришиш ҳамда унинг эпидемиясига барҳам беришни кўзда тутувчи “95x95x95” таъминоти асосида иш ташкилланмоқда. Жумладан, 2025 йил 27 январда касалликнинг оилада оналар ва болаларга юқишининг олдини олиш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг “Меҳнат мигрантларини ОИВ инфекциясига бепул текшириш бўйича акция ўтказиш тўғрисида”ги 16-сонли буйруғи чиқарилди. 27 январдан АКЦИЯ бошланди. Бу тадбир 1 мартга қадар давом эттирилади. Ўтказилган таҳлиллар кўрсатяптики, бугунги кунда касалланишнинг асосий сабабларидан бири ташқи миграция бўлиб қолмоқда. 2024 йилда аниқланган ҳолатларнинг 20-25 фоизи меҳнат миграцияси билан шуғулланиб келган аҳоли қатламига тўғри келмоқда. Чет давлатларда ишлаб қайтаётган юртдошлар, мурожатимиз шуки, билиб қўйинг, хорижда ишлаш жараёнида соғлигингиз кафолатлаб қўйилмаган. Сизлар ўз оилангиз бағридан узоқ давлатларга кетиб, турли машаққатлар чекиб, ҳалол пул топиб, ўз юртингиздаги яқинларингиз яхши яшаши учун маблағ йиғасиз. Ҳаммангиз ўз ватанингизга кириб келишингиз билан фарзандларингиз, турмуш ўртоғингиз ёки ота-онангиз олдида борасиз. Энди тасаввур қилинг, чет давлатдан бедаво дардни юқтириб келган бўлсангизчи? Оқибати укубатли бўлишини ўйлаб кўрганмисиз? Ахир сиз уларнинг умри охиригача етадиган ечимсиз муаммони яратиб қўясизку! Албатта, буни ҳеч бирингиз хоҳламайсиз!

Шундай экан, ҳар бирингиз ўзингиз ва яқинларингизни ўйлаб, хориждан келгач, белгиланган тарзда тиббий кўрикдан ўтишингиз шарт. Агар ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиб, касаллик аниқланса, белгиланган тарзда даволансангиз, ҳар қандай нохуш ҳолатларнинг олдини олишингиз мумкин. Унутманг, ОИВ инфекциясига фақатгина тиббийёт ходимлари ёки тиббийёт муассасалари қарши курашиб, уни енга олмайди. Бедаво хасталик инфекциясига қарши халқ бир тану-бир жон бўлиб курашсакки, кутилган натижага эришамиз.

Б. РАҲМОНОВ,
Н. БЕКМУРАДОВ,
Наманган вилоят ОИТСга қарши
курашиш маркази мутахассислари.

ВАКАНСИЯ

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси тизимида 7 та Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари (ТИЭК) фаолият юритади.

Тошкент шаҳар аҳолисини саломатлигини сақлаш борасида сезиларли даражада ижобий ишлар қилинмоқда. Шунингдек, шаҳарда, истиқомат қилаётган фуқароларга ногиронлик белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда тиббий-ижтимоий экспертиза йўналиши бўйича берилаётган кўрсатма ҳамда топшириқларни ўз вақтида сифатли бажарилиши асосан кадрлар билан тўлиқ таъминланганлиги ва уларнинг малакавий салоҳиятга эга эканлигига ҳам боғлиқ.

Ушбу комиссияларда 6 та педиатр врач-эксперти лавозими ва 2 нафар хирург врач-эксперт лавозими вакант бўлиб турибди. Булар 126-сон Олмазор туман ТИЭК (Олмазор тумани), 125-сон Мирзо Улуғбек туманлараро ТИЭК (Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманлари), 127-сон Сергели туманлараро ТИЭК (Сергели, Янгиҳаёт ва Бектемир туманлари), 128-сон Учтепа туманлараро ТИЭК (Учтепа ва Чилонзор туманлари), 129-сон Шайхонтохур туманлараро ТИЭК (Шайхонтохур ва Яккасарой туманлари), 130-сон Юнусобод туманлараро ТИЭК (Юнусобод ва Миробод туманлари) туманларига хизмат кўрсатадиган ТИЭКларнинг ҳар бирида **1 нафардан врач педиатр-эксперт лавозимлари вакантлиги**, шунингдек, 124-сон Тошкент шаҳар ТИЭКда 1 нафар ва 129-сон Шайхонтохур туманлараро ТИЭК (Шайхонтохур ва Яккасарой туманлари)га **1 нафар врач хирург-эксперти лавозимларига бўш ўринлар борлигини маълум қиламиз.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарори 8-иловасининг "Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари тўғрисидаги Низоми 4-боб, ТИЭКнинг фаолиятини ташкил этиш бобининг 22-бандида барча даражалардаги ТИЭКда ишлаш учун мутахассислиги бўйича иш стажини 3 йилдан кам бўлмаган врачлар жалб қилинади. Тиббий-ижтимоий экспертиза бўйича клиник ординатуранинг ҳамда бирламчи ихтисослаштириш курсларини битирганлар иш стажидан қатъий назар ишга қабул қилиниши мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги замон кўчаси 3-проезд, 1-уй
Телефон рақами: +99890 188-12-71

БОЛАЛАР КАМ ИНВАЗИВ ХИРУРГИЯСИ:

Бу йил ҳудудларда қандай юқори технологик амалиётлар йўлга қўйилади?



Сўнги йилларда мамлакатимизда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, соҳага илғор инновацион технологиялар, замонавий таъхислаш ва муолажа усуллари кенг татбиқ этилиши натижасида тиббиёт халққа янада яқинлашяпти.

Авваллари фақат республика тиббиёт муассасаларида бажарилган операциялар эндиликда вилоят, ҳатто, туман даражасида йўлга қўйилмоқда. Холбуки, яқин-яқингача беморларимиз юқори технологик операциялар учун вақт ва қатта маблағ сарфлаб, хорижга ёки пойтахтга келишга мажбур эди. Охириги 3 йилда 20 нафар болалар жарроҳи Россия, Беларусь, Германия, Туркия, Жанубий Корея давлатларида, 300 нафар маҳаллий мутахассис пойтахтда малака оширди. Марказда 10 турдаги, вилоятларда 8 турдаги, туман шифохоналарида 4 турдаги янги даволаш ва диагностика усуллари ўзлашти-

рилди. Мутахассисларимиз томонидан ҳудудларда ҳар йили 2 мингдан зиёд тиббий кўриклар, 150 дан зиёд юқори технологик операциялар ўтказилаётгани ҳам аҳоли учун қулайлик туғдирмоқда. Бундай мураккаб амалиётларни туманлар даражасига тушириш бўйича 2025 йил учун қатор режа ва марраларни белгилаб олдик. Вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари ва туман (шаҳар) шифохоналарида авваллари ўтказилмаган 4 та янги диагностика ва 6 та даволаш усули татбиқ қилинади.

Жўмладан:
Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Қашқадарь

ва *Навоий вилоятларида болаларда қорин бўйлиги, кўкрак қафаси ва сийдик чиқарув аъзолари туғма ва орттирилган касалликларни таъхислаш ҳамда даволаш;*

Фаргона, Наманган, Андижон, Сирдарё, Жиззах, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида эса кичик ёшли беморларда туғма ва орттирилган нуқсонларни лапароскопик ва торакокопик операциялар ёрдамида соғломлаштириш жорий этилади.

Бобир АБДУСАМАТОВ, Республика болалар кам инвазив ва эндоскопик хирургия илмий-амалий маркази директори.

ЁНГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР!

Ҳозирги кунда юртимизда қурилиш ишлари кундан кунга ортиб бораётганлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Шуни инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан, шаҳримизда янги қурилаётган кўп қаватли аҳоли турар жойлари, маъмурий ва бошқа турдаги биноларда фавқуллода вазиятларни ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча ишчи ходимлар билан йўриқнома ва суҳбатлар ўтказилиб боришмоқда. Профилактика ишлари олиб борилишига қарамасдан қурилиш майдонларида қўнғилсиз ҳолатлар ёнгинлар содир бўлмоқда. Содир бўлаётган ёнгинларнинг аксарият сабаблари қурилиш бош пудратчи ташкилотлари томонидан қурилиш майдонидида ва «вагонлари»да од-

дий бўлган ёнгин хавфсизлиги қоидаларини риоя қилмаслиги ҳамда қурилишда ишлаётган қурувчилар томонидан электр ускуналарни ўрнатишда, электр ва газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган жойларда ҳамда қурилиш вагонларини истишда электр иситиш анжомларидан фойдаланиш даврида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганлиги оқибатида келиб чиқмоқда.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ёнгинлар келиб чиқиши тақрирланмаслиги учун қуйидаги қоидаларга амал қилишнингизни сўраймиз, яъни:

- қурилиш майдонидида устки изоляция қоплами шикастланган вақтинчалик ўтказилган электр симларидан фойдаланмаслик;
- электр ва газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган жойлар 5 м радиусда ёнғичи буюмлардан

тозаланиши, портловчи модда ва ускуналардан 10 м узоқликда бўлиши керак ҳамда ёнгин ўчириш воситалари билан таъминланиши керак;

- хоналарни иситиш ва қуриши учун қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланмаслик;

- хоналарда ҳар хил турдаги электр ускуналарни ёқув ҳолатда қолдирмаслик;

- қурилиш майдонидида белгиланмаган жойларда тамаки чекиши таққилаш ва чекиш учун махсус жой ажратилиши;

- қурилаётган бинонинг томида қора сақич эритиш таққиланади.

Баҳромхўжа АБДУЛЛАЕВ, "Қорасув" қароргоҳи давлат резиденцияси ОЁХТТЕБ кичик инспектори.



ФВВ ОГОҲЛАНТИРАДИ

Тошкент вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази жамоаси Шокир Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази маслаҳатчи-профессори Абдувоҳид Содиқовга **акаси Абдужалил Ҳожи отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон врачлар Ассоциацияси президиум аъзолари Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг собиқ бошлиғи, меҳнат фахрийси **Дилором ЮСУПОВАНИНГ** вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилимиз: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлөзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми **2 босма табоқ.**
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади - 457 дона.
Буюртма рақами Г - 238.

Босмахонага топширилиш вақти: 21 -00. 3 4 5 6 7
Топширилди 20 -00.